

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 978-ҳадис

978 - وَعَنْ أَبِي ثَعْلَبَةَ الْحُشَنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّاسُ إِذَا تَرَلُوا مَنْزِلًا تَفَرَّقُوا فِي الشَّعَابِ وَالْأَوْدِيَةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ تَفَرَّقَكُمْ فِي هَذِهِ الشَّعَابِ وَالْأَوْدِيَةِ إِنَّمَا ذَلِكُمْ مِنَ الشَّيْطَانِ»! فَلَمْ يَتَرَلُوا بَعْدَ ذَلِكَ مَنْزِلًا إِلَّا انْضَمَ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ. رَوَاهُ أَبُو دَاؤدَ بِإِسْنَادٍ حَسَنٍ .[2628]

978. Абу Саълаба ал-Хушний розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Одамлар бирор жойда түхташса, Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Мана бу дара ва водийларга тарқалишингиз шайтоннинг ишиданdir», дедилар. Шундан сўнг бирор жойда түхташса, бир-бирларига жипсласиб турадиган бўлишди».

Абу Довуд ҳасан иснод билан ривоят қилдилар.

Шарҳ: Саёҳат ёки жиҳод мақсадида чиқилган сафарда инсонларнинг қоладиган жойларида бир-биридан ажралиши ва хоҳлагандек тарқалиб кетиши хавфсизлик жиҳатидан нотўғридир. Бундай ҳолат душманларнинг ишини осонлаштиради. Пайғамбаримиз с.а.в.нинг бу ҳолни «шайтонданdir», деб таъкидалашлари, душманларга имкон бериши, мусулмонларнинг эса ўзларини ёлғиз ҳис қилишларига сабаб бўлади. Баданий айрилиқнинг вақт ўтгани сари кўнгилдан ҳам узоқлашиши, ҳис туйғуда айрилишига сабаб бўлиши мумкинdir. Ҳолбуки бирга кўйилган мақсад учун йўлга чиқсан инсонлардан бир-биридан ажралиб узоқлашиш эмас, доимо жамоат ҳолда бирга бўлишлари кутилади. Аскар қўшиннинг ёки йўловчи гуруҳининг йўл бошловчининг бошқариш режасига халал берадиган шаклда тарқалиш бузук бир гуруҳни пайдо қиласи. Бу эса шайтоннинг хоҳлаган ишидир. Пайғамбаримиз с.а.в. шу сабабли асҳоби киромга эслатмалар бериб, бир-бирларига яқин бўлишларини тавсия қилганлар. У зотнинг ҳар-бир тавсияларини шараф билан бажарган саҳобалар, бу эслатмадан кейин бир-бирига доимо яқин ҳолда ҳаракатда бўлиб, у ердан тарқалишмаган. Ҳадиснинг давомидаги бир ўринда айтилганидек «Ҳатто битта мато тўшалса, ҳаммаларига етар эди» шаклида бир-бирларига яқин бўлишган.

Манба: hadis.islom.uz

